БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 77
27 МАЙ
ПАЙШАНБА
1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## Яшасин Коммунистик партиянинг ленинча-сталинча миллий сиёсати—Совет Иттифоқи халқларининг қардошлиги ва социалистик ҳамкорлиги сиёсати!

## Идеология ишларини юксак даражага кўтарайлик

Совет халқи шонли Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида коммунизм қуриш йўлидан муваффақиятли суратда олға бормоқда. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш олға қараб тез ҳаракат қилиб боришимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам партия марксизм-ленинизмни пропаганда қилишга, идеология соҳасидаги ҳамма ишларнинг сифати ва ғоявий мазмунини янада яхшилашга жуда катта э'тибор бермоқда.

Партия XIX с'ездининг, КПСС Марказий Комитети июль, сентябрь ва февраль-март Пленумларининг қарорлари барча партия ташкилотларидан партиявий-сиёсий ва идеология ишлари савиясининг тобора оширилишини талаб қилади. Партия ташкилотлари идеология соҳасидаги ҳамма ишларни шундай йўлга қўйишлари керакки, бу иш амалда оммани коммунистик руҳда тарбиялашнинг қудратли қуроли, меҳнаткашларни бешинчи бешйиллик планни бажаришга, қишлоқ хўжалигини юксалтириш, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга сафарбар қилишнинг та'сирли воситаси бўлсин, илғор тажрибани оммалаштиришга ва уни ишлабчиқаришда жорий қилишга ёрдам берсин. Областимиздаги айрим партия ташкилотлари идеология ишларининг юксак ғоявий савияси учун курашиб дастлабки ютуқларга эришмоқдалар, сиёсий ва хўжалик ишларини моҳирлик блан бирга боғлаб олиб боришда тобора кўпроқ тажриба тўпламоқдалар. Улар хўжалик соҳасидаги муваффақиятлар, бу муваффақиятларнинг пухталиги ва доимийлиги партиявий-сиёсий ва идеология ишларининг савиясига бевосита боғлиқ эканлигини эсда тутиб, бутун э'тиборни ана шу масалаларни муваффақиятли ҳал этишга қаратмоқдалар.

Чирчиқ шаҳар ва Сирдар'ё район партия комитетлари кейинги вақтларда партиявий-сиёсий ва идеология ишларининг савиясини оширишга э'тиборни анча кучайтирдилар. Агитация-пропагандага доир, партиявий-сиёсий ишлар тажрибаси ҳақидаги, маданий-оқартув муассасаларининг ишлари тўғрисидаги масалалар бюро мажлисларида тез-тез муҳокама қилиб турилади. Кадрларнинг марксча-ленинча ўқишини намунали уюштириш, партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини муваффақиятли якунлаш масалаларига алоҳида э'тибор берилмоқда.

Шу блан бирга ҳали бирқанча жойларда идеология ишлари партия ташкилотларининг ҳозирги вақтдаги амалий ишларидан ажралган ҳолда олиб борилаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Айниқса Оҳангарон, Паркент, Юқоричирчиқ ва Пискент районларида партия пропагандасининг қўйилишида, сиёсий агитация ишларининг уюштирилишида, маданий-оқартув муассасаларининг ишларида жиддий камчиликлар бор. Бу районларнинг партия ташкилотлари раҳбарлари сиёсатни хўжаликдан ажратиб бўлмайди, сиёсатни хўжалик вазифаларини ҳал қилиш блан бирга боғлаб олиб бориш керак, деб кўп гапирадилар-у, лекин амалда сиёсий ишларни хўжалик қурилиши соҳасидаги кундалик ишлардан ажратиб қўядилар, идеология ишларига доир масалалар блан кам, системасиз ва юзаки шуғулланадилар.

Идеология масалалари юзасидан яқинда бўлиб ўтган республика кенгаши ҳам бу соҳада жуда катта камчиликлар борлигини очиб ташлади ва идеология ишларининг сифатини ва ғоявий мазмунини янада яхшилаш юзасидан бир қатор муҳим тадбирлар белгилади. Бу тадбирларни тўла амалга ошириш, идеология ишларини марксизм-ленинизм асосида олиб бориш ва унинг юксак ғоявий савияси учун курашиш — партия ташкилотларининг энг муҳим ва жанговар вазифасидир. Бизнинг бутун пропаганда ва агитациямиз, барча идеологик муассасаларнинг ишлари турмуш блан, коммунистик қурилиш практикаси блан маҳкам боғланган бўлиши лозим.

Пропаганда ва агитация — идеология ишларининг энг муҳим соҳасидир. Партия ташкилотлари корхона, колхоз, совхоз, МТСларда, муассасаларда ва меҳнаткашлар яшайдиган жойларда оммавий агитация ишларини кенг йўлга қўйишлари, аҳолининг барча табақалари ўртасида, хусусан хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида сиёсий агитацияни кучайтиришлари, меҳнаткашларни республика ва областимиз олдида турган хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этишлари керак. Агитация ишларини муайян мақсадга қаратиб, кучли ва та'сирли қилиб уюштириш, агитаторларга раҳбарликни кучайтириб, уларга ташқи ва ички сиёсатга доир энг муҳим масалалар юзасидан йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб туриш зарур.

Меҳнаткашларни коммунизм руҳида зўр бериб тарбиялаш, миллатчилик кўринишларига, диний хурофотларга қарши, хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатнинг қолдиқларига ва ўтмишнинг кишилар онгидаги бошқа қолдиқларига қарши курашни кучайтириш — идеология ишлари соҳасидаги асосий вазифадир. Партия ташкилотлари бу вазифани муваффақиятли бажариш учун пропаганда ва агитациянинг ҳамма метод ва шаклларидан тўла фойдаланишлари, оммани сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва уюштиришнинг энг кучли воситалари бўлган матбуот, радио, кинонинг ишларини яхши йўлга қўйишлари, фан, маданият ва сан'атни ривожлантиришлари, маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятларини кучайтиришлари керак.

Партия идеология соҳасидаги ишларга йўл-йўриқ кўрсатишда фойдаланадиган воситалар орасида матбуот энг муҳим ўринни олади. Совет матбуоти мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, омманинг социалистик онгини ўстиришда, кишилар онгидаги сарқитларни йўқотиш учун курашда жуда катта роль ўйнайди.

«Бизда, — дейди ўртоқ Хрушчев, — матбуотимиздан ҳам кучлироқ, та'сирлироқ қурол йўқ. Матбуот — партиямизнинг энг кучли ғоявий қуролидир. Агар биз газета ва журналларнинг материалларини яхши танлар эканмиз, неча минг километр масофада мўлжални тўғри ола биламиз, бепоён мамлакатимизнинг ҳамма қисмида камчиликларни очиб ташлай оламиз. Шу сабабдан, матбуотга етарли баҳо бермаган киши бизнинг кучимизни заифлаштиради».

Шаҳар ва район партия комитетлари ўз газеталарининг сифатини яхшилаш учун қат'ий чоралар кўришлари, уларни социалистик маданиятни янада яшнатиш йўлидаги курашга доим сафарбар қилишлари, редакцияларнинг э'тиборини партиявий-сиёсий масалаларга, идеология масалаларига қаратишлари, газеталарни амалда оммага сиёсий тарбия берувчи жанговар органларга айлантиришлари керак.

Халқимиз совет кишиларининг юксак ма'навий фазилатларини ва ҳаётимизнинг улуғворлигини акс эттирадиган ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак асарлар яратилишини истайди. Адабиёт ва сан'ат халқимизни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашда партия ва давлатга ёрдам бериши керак. Республика Маданият министрлигининг сан'ат ишлари Бош бошқармаси, Совет ёзувчилари союзи ва Ўзбекистон Композиторлар союзи идеология масалалари юзасидан бўлиб ўтган республика кенгашининг кўрсатмалари асосида ўз ишларидаги камчиликларни тезда тугатиб, ижодий ишларини янада яхшилашлари керак.

Марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш идеология соҳасидаги ишларни доим кучайтиришнинг ҳал қилувчи шарти, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалаларини муваффақиятли суратда ҳал этишнинг негизидир. Шу сабабли партия ташкилотлари марксча-ленинча назарияни кенг пропаганда қилишлари, партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини муваффақиятли тугаллаш учун зарур тадбирларни кўришлари керак. Партия маорифи системасида ўқиш йилининг муваффақиятли тугалланиши идеология ишларини янада кучайтиришга, кадрларимизни, ҳамма коммунистларни сиёсий ва назарий жиҳатдан тайёрлаш ишларини яхшилашга ёрдам беради.

Идеология иши халқ хўжалиги ва маданиятни янала ривожлантириш ва биринчи галда қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш юзасидан партия томонидан белгиланган буюк программани муваффақиятли суратда бажаришга бўйсундирилиши лозим.

Партиявий-сиёсий ишларнинг савиясини ҳозирги юксак вазифалар даражасига кўтариш, идеология ишларининг сифатини ва ғоявий мазмунини янада яхшилаш коммунизм қурилиши соҳасида олдимизда турган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг гаровидир.

### ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒУЗА ПАРВАРИШИНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 25 МАЙГАЧА БУЛГАН

### М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

| Районларнинг номи | Яганалаш | Культивация I | Культивация II | Чопиқ I | Чопиқ II | Суғориш |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Оққўрғон | 100,0 | 100,0 | 61,1 | 64,5 | 8,0 | 46,3 |
| Оҳангарон | 70,4 | 83,3 | 12,5 | 49,3 | 0,5 | 60,5 |
| Бекобод | 86,4 | 88,3 | 18,3 | 44,0 | — | 24,2 |
| Бўка | 88,6 | 90,0 | 37,0 | 45,3 | — | 24,5 |
| Верхне-волинск | 91,6 | 100,0 | 16,4 | 57,3 | — | 15,0 |
| Юқоричирчиқ | 89,0 | 99,6 | 47,2 | 53,8 | 3,9 | 31,7 |
| Гулистон | 94,0 | 100,0 | 60,7 | 57,8 | 2,0 | 27,6 |
| Калинин | 99,0 | 100,0 | 81,0 | 89,0 | 12,2 | 78,6 |
| Мирзачўл | 98,0 | 100,0 | 43,6 | 54,7 | — | 12,4 |
| Октябрь | 80,4 | 82,8 | 34,0 | 44,2 | 1,2 | 44,4 |
| Оржоникидзе | 98,2 | 100,0 | 100,0 | 82,0 | 7,5 | 74,3 |
| Паркент | 31,6 | 24,0 | — | 31,0 | — | 36,7 |
| Пискент | 52,3 | 68,2 | 4,7 | 34,5 | — | 35,4 |
| Ўртачирчиқ | 86,4 | 93,2 | 37,5 | 57,2 | 0,9 | 29,8 |
| Сирдар'ё | 97,1 | 100,0 | 48,2 | 71,7 | 5,6 | 18,2 |
| Ўртасарой | 70,7 | 94,0 | 26,5 | 55,4 | 0,5 | 20,9 |
| Ховос | 82,8 | 79,3 | 11,6 | 26,3 | — | 36,5 |
| Чиноз | 87,2 | 97,8 | 73,6 | 68,2 | 11,0 | 38,8 |
| Янгийўл | 88,1 | 97,9 | 52,5 | 62,2 | 10,4 | 7,7 |

### ЎЗБЕКИСТОН ССР (УЧИНЧИ ЧАҚИРИҚ) ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

**Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси 1954 йил 28 майда эрталаб соат 10 да, Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.**

**Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида 1954 йил 26 май эрталаб соат 10 дан бошлаб рўйхатга олинмоқда.**

## Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига қабул маросими

КИЕВ, 25 май. (ТАСС). Кеча Украина ССР ҳукумати умумхалқ байрами — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Украина Компартияси Марказий Комитети Президиумининг а'зо ва кандидатлари, Украина ССР ҳукуматининг а'золари, иттифоқчи республикалар: РСФСР, Белоруссия ССР, Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР, Грузия, ССР, Озарбайжон ССР, Литва ССР, Молдавия ССР, Латвия ССР, Қирғизистон ССР, Тожикистон ССР, Арманистон ССР, Туркманистон ССР, Эстония ССР, Карел-Фин ССР делегациялари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Польша Халқ Республикаси сейми делегацияси ва Канада бирлашган украинлар жамиятининг делегацияси ҳам бор эди.

Қабул маросимида СССР Олий Совети ва Украина ССР Олий Советининг депутатлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Украина ССР министрлари, Украина компартияси область комитетларининг секретарьлари, меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетларининг раислари, корхона директорлари, партия ташкилотларининг секретарьлари, фан, адабиёт ва сан'ат арбоблари, Украина пойтахтидаги саноат корхоналарининг донгдор кишилари, қишлоқ хўжалик илғорлари ҳозир бўлдилар.

Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига ташкил этилган қабул маросими ниҳоят самимий, ғоят дўстона вазиятда ўтди ва украин халқининг улуғ рус халқига ҳамда Совет Иттифоқидаги барча қардош халқларга бўлган чуқур муҳаббат ҳисларининг ёрқин ифодаси бўлди.

Қабул маросими қатнашчилари учун катта концерт берилди. Концертда украин сан'ат усталари ва қардош республикаларнинг артистлари қатнашдилар.

## УКРАИНАНИНГ РОССИЯ БЛАН ҚАЙТА ҚУШИЛИШИНИНГ 300 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА КИЕВДА ТРИУМФ АРКАСИ ПОЙДЕВОРИ ҚУЙИЛДИ

КИЕВ, 24 май. (ТАСС). Бугун Киевда Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига Триумф аркаси пойдеворини қўйиш маросими бўлди.

Кундузи, Москвадан Киевга борадиган йўлнинг Киевга кираверишдаги майдонида минглардча киши—корхона ишчилари ва хизматчилари, олимлар, маданият ва сан'ат арбоблари, студентлар, Совет Армияси жангчилари, жамоат ташкилотларининг вакиллари йиғилдилар. Йиғилганлар орасида — Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигини байрам қилишга қатнашиш учун қардош иттифоқчи республикалардан келган делегацияларнинг а'золари ҳам бор.

Украина КП Марказий Комитети ва Украина ССР Ҳукуматининг топширувига мувофиқ Украина КП Марказий Комитетининг секретари Н. В. Подгорний Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига Триумф аркаси пойдеворини қўйишга бағишланган митингни очади.

Митингда Украина ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Т. Кальченко, «Красний экскаватор» заводининг токари В. К. Семинский, меҳнаткашлар депутатлари Киев шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси А. И. Давидов, Киев ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали В. И. Чуйков, Украина Совет ёзувчилари союзи правлениесининг раиси Н. П. Бажан нутқ сўзладилар.

Ўртоқ Подгорний оппоқ парда устидаги лентани қирқади ва йиғилганлар қизил гранитдан ишланган плитани кўрадилар. Плита устига ёзилган қуйидаги сўзлар олтиндек порлайди:

«Тут буде
споруджено
Трiумфальну арку
на честь
300 —
рiччя
возз'єднання
Украïни з Росiєю
24—5 1954»

Майдонда Совет Украинаси гимнининг улуғвор мелодияси янграб эшитилади.

Киев гарнизони қўшинларининг қисмлари оркестр садолари остида тантанали марш блан минбар ёнидан ўтадилар.

## Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига Переяслав- Хмельницкийда монумент пойдеворини қўйиш ва хотира тахтаси очиш маросими

ПЕРЕЯСЛАВ-ХМЕЛЬНИЦКИЙ, 24 май. (ТАСС). Бугун Переяслав—Хмельницкийда Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига монумент пойдевори қўйилишига ва хотира тахтаси очилишига бағишланган кўпкишилик митинг бўлиб ўтди.

Митингда шаҳар ва райoннинг минглардча меҳнаткашлари, юбилей тантаналарида қатнашиш учун Киевга келган Россия Федерацияси ва бошқа иттифоқчи республикалар делегацияларининг а'золари, Польша Халқ Республикаси сейми ҳамда Канада бирлашган украинлар жамияти делегацияларининг а'золари ҳозир бўлдилар.

## ҚОЗОҒИСТОН ОПЕРА ТЕАТРИНИНГ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ

ОЛМАОТА, 25 май. (ТАСС). Бугун Абай Давлат академик ва балет театрида театрнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Театр директори Сталин мукофоти лауреати К. Жандарбеков театрнинг ижодий йўли ҳақида доклад қилди. Қозоқ опера сан'ати рус операсининг самарали та'сири остида, Совет Иттифоқидаги опера театрларининг ёрдами блан ривожланмоқда. Театр ташкил бўлганидан буён ўтган вақт ичида қозоқ тилида 30 та асар ва рус тилида 60 та асар кўрсатди. Булар орасида қозоқ операларидан «Қизжибек», «Абай», «Биржон ва Сора», «Дударай» ва бошқалар бор. Қозоқлар П. Чайковскийнинг «Евгений Онегин», А. Рубинштейннинг «Демон», Ж. Бизенинг «Кармен», Ш. Гунонинг «Ромео ва Жульетта», Д. Пуччинининг «Чио-Чио-сан» номли опералари каби классик операларни ўз она тилларида тингламоқдалар.

Мажлисда театрнинг беш етакчи артистига республика халқ артисти деган фахрий унвон ва тўққиз артистга Қозоғистон ССР да хизмат кўрсатган артист деган унвон бериш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони ўқиб эшитдирилди.

Театр коллективи кўп табрикномалар олди.

### ЎЗБЕКИСТОН КП ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

## Тошкент район колхозларида ипак қурти боқишнинг қониқарсиз бораётганлиги тўғрисида

Тошкент район Ленин қишлоқ советидаги Молотов номли колхозда (раиси ўртоқ Саидов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Муҳамедов), Ленин номли колхозда (раиси ўртоқ Ҳайитбоев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Шукуров), Ворошилов қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда (раиси ўртоқ Отажонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Исмоилов) текшириш ўтказилганида, бу колхозларда ипак қурти боқиш агротехникаси ва тутлардан фойдаланиш тартиби қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди.

Шу колхозларда ипак қуртлари тиғиз — уч-тўрт қават бўлиб жойлашган, бунинг натижасида текшириш ўтказилган куни районда 150 қути қуртнинг ёмон аҳволда қолганлиги ва ипак қуртларининг нобуд бўлаётганликлари аниқланди. Ипак қуртларини боқиш яхши ташкил қилинмаган, кунига 10 — 12 марта ўрнига 3—4 марта барг солинмоқда. Қурт боқилаётган хоналар тез-тез шамоллатилмайди. Колхозларнинг правлениелари қурт боқиш ишларига правление а'золаридан мас'ул кишиларни белгилаб қўймаганлар.

Ипак қуртлари ёмон боқилаётганлиги сабабли, уларнинг кўпчилиги ҳали ҳам учинчи ёшдан чиққани йўқ. Беш ёшга тўлмаган ипак қуртларини боқиш учун тутларнинг илдизларидан ва таналаридан ўсиб чиққан ёш новдалар кўп ва етарли бўлишига қарамай, асосий новдалар кесиб олинмоқда, бу эса йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Тут баргларини тежаб сарфланмаслиги қуртлар катта ёшга етганда барг етишмай қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Область партия комитетининг бирнеча марта огоҳлантирганлигига қарамай, район партия комитетининг секретари ўртоқ Исомуҳамедов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Носиров қурт боқишга раҳбарлик қилишга беларволик блан қарамоқдалар ва колхозларнинг правлениеларига нисбатан етарли даражада талабчанлик қилмаётирлар.

МТСларнинг директорлари ва агрономлари қурт боқаётган уйларни бориб кўрмаётирлар ва бу иш устидан контроллик қилмаётирлар.

Ўзбекистон КП область комитети **қарор қилди:**

1. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Исомуҳамедовга, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Носировга қурт боқишга қониқарсиз раҳбарлик қилаётганликлари кўрсатиб ўтилсин ва уларга ипак қурти боқишда рўй берган жиддий камчиликларни тугатиш учун қат'ий чоралар кўриш вазифаси топширилсин.

2. Район партия комитети ва район ижроия комитетидан колхоз раислари: Ҳайитбоев, Саидов ва Отажонов ўртоқларнинг нотўғри иш қилаётганликларини муҳокама қилиш ва конкрет айбдорларни жазолаш талаб қилинсин.

3. Тошкент район партия комитети, район ижроия комитети ва район ипакчилик идорасига қуйидаги тадбирларни амалга ошириш топширилсин:

а) колхозларнинг правление а'золари ва партия, комсомол активлари ипак қуртларининг боқилишини, айниқса кечалари, доимий контроль қилиб турсинлар,

б) ўсишда кейинда қолаётган ипак қуртлари дарҳол ажратиб олинсин ва бу қуртлар қўшимча сўкчакларга жойлаштирилиб, уларга тинмай барг солиб турилсин;

в) икки кун муддат ичида қўшимча сўкчаклар ясаш та'минлансин ва ипак қуртлари шу сўкчакларга жойлаштирилсин;

г) қурт боқилаётган уйларда температура режимига ва ҳавонинг намлигига қаттиқ риоя қилинсин, бу ишда қуртларни жадал боқиш методининг ҳамма афзалликлари ҳисобга олинсин;

д) тут дарахтларидан тўғри фойдаланиш алоҳида контроль остига олинсин, ипак қуртлари бешинчи ёшга етмагунча тут дарахтларининг асосий новдаларини кесишга йўл қўйилмасин;

е) сун'ий ва табиий дасталарни тайёрлашга дарҳол киришилсин.

4. Область ипакчилик бошқармасининг бошқарувчиси (ўртоқ Ғаниев) ва район ипакчилик бўлимининг мудирига (ўртоқ Бережнова) қурт боқишда ва тут дарахтларидан фойдаланишда, тут баргларини ишлатишда агротехника қоидаларига қаттиқ риоя қилинишини та'минлаш ҳамда кўкламги боқилган ипак қуртидан мўл пилла ҳосили олинишига эришиш учун барча тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

## *Илғорларга кўчма Қизил байроқ берилди*

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитети районлар ўртасида ғўзани яганалаш ва қатор ораларини ишлаш ҳамда ғўзани озиқлантириш юзасидан 1954 йил 11 майдан 20 майгача бўлган даврдаги социалистик мусобақа якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

1. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Оржоникидзе районига (район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Афзалов, район партия комитетининг секретари ўртоқ Тошпўлатова, район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Айдаров, МТС директори ўртоқ Абдурашидов) берилсин, бу районда ғўзани яганалаш плани 87,2 процент, биринчи культивация 100 процент, иккинчи культивация 100 процент, ғўзани озиқлантириш 50 процент ва биринчи чопиқ 69 процент бажарилган. Кўчма Қизил байроқ Оққўрғон районидан олиб берилсин.

2. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи «1-нчи Далварзин» совхозида қолдирилсин (совхоз директори ўртоқ Усмонов, бош агроном ўртоқ Хомич, бош инженер ўртоқ Потапов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Мусохўжаев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Дастархонов), бу совхозда яганалаш 100 процент, биринчи культивация 92,5 процент, иккинчи культивация 70,6 процент, чопиқ 62,7 процент, ғўзани озиқлантириш 46,9 процент бажарилган.

3. Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи Сирдар'ё районидаги 2-нчи МТСда қолдирилсин (МТС директори ўртоқ Житенев, бош агрономи ўртоқ Аҳмедов, бош инженери ўртоқ Саидов, райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари ўртоқ Абдушоҳидов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Веслогузов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Ковтун), бу МТСда яганалаш плани 93 процент, биринчи культивация 100 процент, иккинчи культивация 42 процент, чопиқ 66 процент ва ғўзани озиқлантириш 24 процент бажарилган.

## Меҳнаткашлар депутатлари Москва Советининг Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси

25 майда Союзлар Уйининг Колонна залида меҳнаткашлар депутатлари Москва Советининг жамоат ташкилотлари ва ҳарбий қисмларнинг вакиллари блан биргаликда Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллигига бағишланиб тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

СССРнинг давлат гербида олтин учқунлар ва «300» рақами ярқираб турмоқда. Саҳнанинг тўрида — Россия Федерацияси блан Украина ССРнинг байроқлари. Саҳна бўйлаб — Коммунистик партия етакчилигида коммунизм сари бораётган бошқа қардош иттифоқчи республикаларнинг байроқлари.

Тантанали мажлисни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Москва комитетининг секретари депутат И. В. Капитонов очди. У, Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги тўғрисида доклад қилиш учун Москва Совети Ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. А. Ясновга сўз беради.

Докладчи айтдики, партия томонидан белгиланган коммунистик қурилиш программасини амалга ошириш учун курашда Москва шаҳри ва Москва области меҳнаткашлари блан Совет Украинасидаги шаҳарлар ва қишлоқларнинг меҳнаткашлари ўртасидаги қардошларча ёрдамлашиш ва ижодий ҳамкорлик ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Социалистик саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият ходимлари ўртасида илғор тажрибаларни ҳартомонлама ўзаро олмошиш мана шу алоқаларнинг ривожланиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Москванинг юзлаб корхоналари Украина ССР корхоналарининг коллективлари блан мусобақа боғлаганлар. «Красний пролетарий», «Серп и молот», Каганович номидаги 1-нчи давлат подшипник заводи коллективлари, Москва — Курск—Донбасс темир йўли Москва бўлимининг ходимлари ва бошқалар Украинанинг Россия блан қайта қўшилишининг 300 йиллиги шарафига ўз зиммаларига социалистик мажбуриятлар олдилар.

Коломна ва Ворошиловград паровозсозлик заводларининг, «Электросталь» ва Днепроспецсталь заводларининг коллективлари ўртасида, Москва ва Киев пойафзалчилари ҳамда тўқимачилари ўртасида социалистик мусобақа муваффақият блан ўтмоқда.

Москва области колхозчилари Украина колхозчиларининг социалистик хўжаликни бошқаришдаги илғор тажрибаларини ўзларининг украина қардошларига чуқур миннатдорчилик билдириб қабул қилмоқдалар. Украин колхозчилари москвалиларнинг тажрибаларини ўрганмоқдалар.

Улуғ Ватанимизнинг ҳамма халқлари, — дейди ўртоқ М. А. Яснов, — Совет Социалистик Украинасини янада зўр бериб юксалтириш ва яшнатиш учун курашда қардош украин халқи эришган ажойиб муваффақиятларни жуда катта мамнуният блан қайд қилмоқдалар.

Докладчи правардида, украин, рус халқларининг ва мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг бузилмас дўстлиги яшасин, бутун дун'ёдаги тинчликнинг қудратли таянчи бўлган улуғ Ватанимиз. — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи яшасин! — деб хитоб қилганида мажлисдагилар унинг бу сўзларини гулдурос қарсаклар блан кутиб оладилар.

СССР Фанлар академиясининг президенти А. Н. Несмеяновга сўз берилди. У, Совет Украинасида фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаётганлиги тўғрисида, рус олимлари блан украин олимлари ўртасида доимий ва яқиндан боғланиш борлиги тўғрисида гапиради. Ҳозир Украинада 500 га яқин илмий-текшириш институти бор, Украинадаги олимларнинг сони илгариги чор Россиясидаги олимларнинг сонига қараганда 10 баравар кўп. Республикада юзлаб театр, клуб, кутубхона ва бошқа маданий-оқартув муассасалари бор, мингтадан кўпроқ газета чиқмоқда.

У, ҳозирги замон Украина олимларининг муваффақиятлари тўғрисида гапиради. Украин олимлари жаҳон фанига қимматли ҳисса қўшдилар. Украин олимлари илмнинг ҳамма соҳаларида муҳим тадқиқотлар олиб бормоқдалар, бу тадқиқотларнинг натижалари илғор совет фанининг умумий ўзанига қўшилмоқда.

Оржоникидзе номидаги станоксозлик заводининг токари, Сталин мукофоти лауреати Н. Чикирев минбарга чиқади. У, завод коллективи Украинанинг Россия блан қайта қўшилганлигига 300 йил тўлган ажойиб кунни тўрт ойлик ишлабчиқариш планини ошиғи блан бажариб кутиб олганлиги тўғрисида гапиради. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари Одесса станоксозлик заводи блан мусобақалашиб, 1954 йилнинг давлат планини 25 ноябрьгача бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар.

Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг студенти А. Курганова ҳаяжонлантирувчи нутқ сўзлади.

— Бу улуғ воқиани қудратли Ватанимизнинг ҳамма халқлари ўз қалбларига жуда яқин, энг азиз тантана деб билиб нишонламоқдалар, — дейди у. — Тарас Шевченко ўзининг ўлмас «Васият» номли асарида ҳамма миллатларнинг кишилари ака-укадек эркин ва аҳл бўлиб яшайдиган мана шундай улуғ, янги халқлар оиласини орзу қилган эди. Рус элининг энг яхши фарзандлари бўлган улуғ революцион демократлар — Белинский, Чернишевский, Добролюбов мана шундай бахтли замонни орзу қилган эдилар.

Биз, Советлар мамлакатининг ёшлари социалистик даврда яшаб турганлигимиз учун бахтлимиз ва фахрланамиз. Бизга она-Ватан ўзининг ҳамма бойликларини саҳийлик блан бериб қўйган, Фан, маданият, сан'ат хазиналарини бизга кенг очиб берди, ёш авлоднинг ҳартомонлама ма'навий ва жисмоний ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни вужудга келтирди.

Мажлисга тўпланганлар ёзувчи Л. Леоновнинг нутқини қизғин равишда кутиб олдилар.

— Ҳатто бизнинг мамлакатимизда унинг минг йиллик умри давомида шундай байрамлар камдан-кам ўтказилган бўлса керак. Бу улуғвор байрам шундан иборатки, икки қардош славян халқнинг — украин халқи блан рус халқининг тарих томонидан та'кидланган улуғ дўстлигини, ма'навий яқинлигини, қон-қардошлигини англаб қувонмоқдамиз.

Рус ва украин халқлари бир-бирларига қардошлик изҳор қилиб, қўл берганларида уларни ажратаоладиган куч дун'ёда йўқ, чунки уларнинг дўстлиги Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар учун юксак ибрат бўлмоқда, деб айтилган сўзларни мажлисдагилар гулдурос қарсаклар блан кутиб олдилар. Ёзувчи ҳамма москвалилар номидан мурожаат қилаётгандек бўлиб, бундай дейди: Эй, синглимиз, Украина бизнинг самимий саломизни ва муҳаббатимизни ҳам қабул қил.

Мажлиснинг охирида катта байрам концерти берилди. (ТАСС).

